



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASINING
BUYRUG'I**

Toshkent sh

2021 yil "10" avgust

№ 351

Тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатини узайтириш тўғрисида

Тошкент тиббиёт академиясининг (кейинги ўринларда – Академия) банк ҳисоб рақамларига тўлов-контрактлар бўйича пул маблағлари мунтазам келиб тушаётганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли қарорининг 11-бандига асосан 2020/2021-ўқув йили учун белгиланган тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатини узайтириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Академия банк ҳисоб рақамларига тўлов-контрактлар бўйича пул маблағлари мунтазам келиб тушаётганлиги ва Академияда таҳсил олаётган талабаларнинг контракт бўйича ўқиш учун белгиланган миқдордаги тўловни амалга ошириш муддатини узайтириш тўғрисидаги мурожаатларини инобатга олиб ҳамда коронавирус пандемияси муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли қарорининг 11-бандига асосан 2020/2021 ўқув йили учун тўлов-контракт маблағларини тўлашнинг охириги муддати **2021 йил 20 августга** қадар узайтирилсин.

2. Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор (Ф.Б.Тошпулатов), Бош бухгалтер (А.Ш.Юлчиев):

- ўқиш учун белгиланган миқдордаги тўловни амалга оширмаган талабалар тўғрисидаги кунлик рўйхат факультелар ва магистратура бўлими кесимида шакллантириб борилсин;

- ҳар иш куни соат 10:00га қадар ўқиш учун белгиланган миқдордаги тўловни амалга оширган талабалар тўғрисидаги маълумот Академия ректорига тақдим этилиши таъминлансин.

3. Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймурадов, барча факультет деканлари ва магистратура бўлими бошлиғига:

- ўқиш учун белгиланган миқдордаги тўловни **2021 йил 20 августгача** амалга оширмаган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 36 – бандига асосан **талабалар сафидан четлаштирилсин.**

4. Ушбу буйруқ Академиянинг расмий веб-сайтида эълон қилинсин ҳамда тўлов-контракт маблағларини тўламаган барча талабаларга етказилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ректор



А.К.Шадманов